O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
XO'JAOBOD TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2023 - yil 19 - iyun 83-1-27-Q/23 Xo'jaobod tumani hokimligi

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича онлайн аукционига ер майдонларини жойлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 71-сонли қарорини, Андижон вилояти маданий мерос бошқармасининг, Хўжаобод туман фавқулодда вазиятлар бўлимининг, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Хўжаобод туман инспекциясининг ва Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙХТЕНҚБнинг хулосаларни, «SHOX-ANDGEODEZIST»нинг топографик харитасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Андижон вилоят бошқармаси Хўжаобод туман филиалининг кадастр йиғма жилдини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хўжаобод тумани «Хидирша» маҳалласи ҳудудида жойлашган Р170323601262-62 рақам билан рўйхатдан ўтган 0.01 гектар бўш ер майдони, Хўжаобод туман ҳокимлиги заҳирасидалиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат кадастрлар палатаси Андижон вилоят бошқармаси (Д.Акбаров) мазкур заҳирадаги ер майдонини давлат мулки сифатида Хўжаобод туман ҳокимлиги номига давлат рўйхатидан ўтказиб бериш сўралсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Имолдинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **У.Шукуров**